

# Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

## ШАРТНОМА № 11671

Тошкент ш.

2022 йил “01” 04

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У.Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “ORIGINAL PROJEST” масъулияти чекланган жамияти номидан Устав ва АЛ-00578-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Х.Ю. Рахмонов иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 19-мартдаги 52043-сонли Etender.uzex.uz танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қўйидагилар тўғрисида туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи ИЛ “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш университети талабалар турар жойини қуриш” (АРТ 1-2, ва ЗВОСни хисобга олган ҳолда) обьекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби;
- АРТ 1-2 харажатлари;
- (ЗВОС) харажатлари.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бўйича давлат ва зарур бўлганда бошқа тегишли экспертиза хulosаларини олгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва қидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-иловасида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (КҚС билан) 713 000 000 (Етти юз ўн уч миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилигига рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичida шартнома баҳосининг 30 фоиз микдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солик қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

### 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Бажурвчи қўйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириқка ва бошқа бошлангич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хulosса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътиrozларини инобатга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишида топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилик қилиш ёки бажаришни чеклаш хуқуки йўқлигини кафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Пудратчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Пудратчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан қўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Пудратчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошлангич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошлангич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қлишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошлангич малумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни муддат ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган обьектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

### 4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ён) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган

топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилған кундан бошлаб 10 (үн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (үттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган кўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиши тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнинг ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил эксперталрга лойиҳа смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равища огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## 5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиқсан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## 6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича хақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечикирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ тўланмаган сумманинг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечикирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ ўз вақтида бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Неустойканинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## 7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманларо иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судъяси томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

## **8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартериш ва қўшичалар улар ёзма равища расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий хисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишининг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## **9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равища пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмамаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги фактлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазиик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор

қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмагандаги, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда заарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласида.

10.6. Шартномага қўйидагилар илова қилинади:

1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;

2-илова – Календар иш жадвали;

3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.


## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### БЮОРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMASNI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” ДУК

Юридик манзили:

100027, Тошкент ш., И.Каримов, кўчаси, 16А-  
уй. МФО 00014 НИИ 204775594



Директор в.б.

Р.У. Кучкаров



### БАЖАРУВЧИ

97-333-11-25

“ORIGINAL PROJECT” МЧЖ

Почта манзили:

Тошкент ш. Шайхонтохур туман,  
Себзор (F.Фулом) кўчаси 3-уй  
х/р: 2020 8000 8005 2076 6001  
«ДАВР-БАНК» ХАТБ, Навоий-  
Заркайнар кўча, «А» бино.  
МФО: 00981  
СТИР: 303 504 556; ОКЭД: 00981

Директор

Х.Ю. Раҳмонов





Тошкент шаҳар

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш университети  
талабалар турар жойини қуриш”

объектининг лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши учун лойиха ташкилотини  
аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси  
йиғилишининг  
**БАЁНИ**

**Комиссия аъзолари:**

С. Сагдиев

-Бош мухандис в.б.

Ш. Қодиров.

-БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи

Хамидов О.

-ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи

Турсунов З.

-Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб  
чиқаришни маҳаллийлаштириш ва  
саноатда кооперация алоқаларини  
кенгайтириш бўйича масалалари  
ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг  
ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди  
асосида бир шартнома бўйича БҲМ  
2 500 бараваридан ортиқ бўлса  
иштирок этади)

Абдусатторов П.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутаҳассиси

Абдунабиев А.

-БРБЛ ва ТХРОТ бош мутаҳассиси

**КУН ТАРТИБИ**

“Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш университети талабалар  
турар жойини қуриш” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З. Турсунов, П. Абдусатторов, А. Абдунабиев)

Компания томонидан 2022 йил 11 март куни Ўзбекистон Республикаси товар хом-  
ашё биржасининг электрон порталига ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) объектининг лойиха-смета  
хужжатларини ишлаб чиқиши учун лойиха ташкилотини танлаш мақсадида № 52043 лот  
рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон  
портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган  
таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва  
кўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “ORIGINAL  
PROJECT” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб комиссия аъзолари фикр алмашган  
холда:

## **ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 19 марта даги электрон баённомасига асосан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш университети талабалар турар жойини қуриш” обьектининг лойиҳа-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “ORIGINAL PROJECT” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

### **Комиссия аъзолари:**



С. Сагдиев



И. Қодиров



О. Хамидов




П. Абдусатторов



А. Абдунабиев

"ТАСДИКИРМАН"  
Тоғикент шаҳар доғандарини  
оприштирибасадар



**Тоғикент шаҳар ҳокимияти "Ягона буорумачи хизмати" ИҶАНИНГ**

**Олий тъслим мусассалари объектларини курни, реконструкцияни килини ва капитал таъминларини ишларларининг**

(хос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 науризи ПС-38-санда кирор)  
2022 йилта МАНИЗИЛЛА РЎЙХАТ

2022 йил фанда ишларни олдилик таъсисатидан

(жум. сан)

№	Объектнор номи ва макони	Кўриши бўлганини ни маънайи фойдасан	Лойиҳа кунгич ната тозилиши иши	Объектив урояи кўнгли (шартнома асоси)	01.01.22 й. хозигчи юндан кўнгли ғурӯн хозигчи юндан объектнор (зайт хозигчани билан)	01.01.22 й. хозигчи юндан кўнгли ўргани объектнор	01.01.23 й. хозигчи юндан кўнгли ўргани объектнор (зайт хозигчани билан)	01.01.23 й. хозигчи юндан кўнгли ўргани объектнор (зайт хозигчани билан)	Энергетика хозигчани реконструкцияни нишонидан	Технер хозигчани реконструкцияни нишонидан	Кўриши бўлг тапшиси номи								
A	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19
13	Онлайн мурасасадарни жамон:	800 ётоқ ёки 10340 7 ёрдими	659 641 524 19 278 843	163 376 335 3 649 415	163 376 335 3 649 415	185 779 054 3 649 415	280 523 700 84 850 858	84 850 858 10 020 571	851 909 141 273 119	2500 65 710 132	65 710 132 97 764 707	Технер							
4	Жамон	800 ётоқ ёки 200 ёрдими 2 обьект								74 220 000 2 942 325									
	Тоғикент қўриғидан на маънайи бўйичалигини ишлантиришни хозигчанини кўнгли	2022 й.	объект							6 700 000 271 402									
2	Тоғикент қўриғидан на маънайи бўйичалигини ишлантиришни хозигчанини табобадар түрер жамони кўнгли	2022 й.	объект							42 000 000 1 646 543									
3	Тоғикент қўриғидан на маънайи бўйичалигини ишлантиришни хозигчанини IT-Fast бўйичалиги жамони кўнгли	2022/2023 й.	объект							10 520 000 424 296									
4	Адмирал Навоий компания Тоғикент қўриғидан на азобиҳи жамони табобадар түрер жамони кўнгли	2022- 2023/2024	объект							15 000 000 600 087									

01.03.2022

Технер

Технер

Технер

Технер

№	Областын номен менен	Күршиштік жөн көмекшілік жөн көмекшілік жөн көмекшілік жөн көмекшілік	Обыссынан түзүлдік жөн көмекшілік жөн көмекшілік жөн көмекшілік жөн көмекшілік	01.01.22 й.	01.01.22 й.	2022 Іштегінде үйрепталған		2022 Іштегінде үйрепталған		2022 Іштегінде үйрепталған	
						шаруаудан		Бюджеттің бойын хардаган	Кошамбайдын жөн көмекшілік жөн көмекшілік жөн көмекшілік	01.01.23 й.	01.01.23 й.
A	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1.	Төмөнкіл араласшылар жөн көмекшілік	2500 юрн	124,924,429 3,820,393	1,540,477 0,000	1,540,477 0,000	7 518,655 0,000	16 000,000 1129,031	40,715	40,715	124,924,429	6 055,202
	Жаңы Ресейнде	3 облыс	124,924,429 3,820,393	1,540,477 0,000	1,540,477 0,000	7 518,655 0,000	16 000,000 1129,031	40,715	2 облыс	124,924,429	6 055,202
1.1	Төмөнкіл араласшылар жөн көмекшілік	2019- 2022г	облыс	79,471,319 2,963,982	1 000,000 0,000	1 000,000 0,000	4 895,367 0,000	950,000 0,000	облыс	79,471,319	3 855,367 552-сөзим
1.2	Төмөнкіл араласшылар жөн көмекшілік	2019- 2022г	облыс	45,453,110 1,453,411	540,477 2,713,288	540,477 2,713,288	179,031 179,031	179,031	облыс	45,453,110	2 199,835 11,06-20и 292-ф сөзим
1.3	Төмөнкіл араласшылар жөн көмекшілік	2021- 2022ж	облыс	— — — —	— — — —	— — — —	14 870,969 40,715	— —	— —	— —	— —
1	Транспортынан	5000 юрн	171,071,773 5 449,952	118,317,531 2,685,710	118,317,531 2,685,710	120,905,242 2,685,710	50 000,000 47 934,639	2 065,361 480,000	65 794,655 630,349	70,905,242 630,349	— —
1	Транспортынан	5000 юрн	171,071,773 5 449,952	118,317,531 2,685,710	118,317,531 2,685,710	120,905,242 2,685,710	50 000,000 47 934,639	2 065,361 480,000	65 794,655 630,349	70,905,242 630,349	— —
1	Алматынан марказда	16,349,690 196,251	16,318,515 166,076	16,318,515 166,076	16,318,515 166,076	12,350,000 166,076	11 384,817 166,076	166,476 131,909	16,348,690 897,622	— —	— —
1	Төмөнкіл араласшылар жөн көмекшілік	2021- 2022 ж	облыс	16,348,690 196,251	16,318,515 166,076	16,318,515 166,076	11 550,893 11 384,817	166,076 131,909	16,348,690 897,622	26,07-21и 291-сөзим 14,06-06и-8224 07.10.2021и	02.11-2021и 554-сөзим бөлшем пән 5238
	Тапшылышта да										“Трест 5” МҮК

Изок: "Объекттің көймеги төндірілген күншілдіктерін шынаб чыншынан сыйнан анександы

\*) - Ушбу объект бұнчы бүрнешмалы төмөнкіл 4 058,049 мин сым майдағы "Күншілдіктерін анександы" МҮК-та мемлекеттік беріледі.

"Discover Invest" МҮК-та мемлекеттік беріледі.

“Кирилда”

ТӨМӨНКІЛ АРДАСШЫЛЫР  
Яғон араласшылар жөн көмекшілік  
директоры Н.Б.

Р.Күнжаров  
2022 ж.

“Келіншілдік”

Ұбдастын Республикасы  
Молия пазарынан

Іккисінші тараскесіт жөн көмекшілік  
киссағарларынан изарленген

А.Бобекеев  
2022 ж.



М.Х.А.

2022 ж.